Ушбу сонда:
2 БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ... ногиронлар, якка-ёлғиз кишилар меҳр оғушида
3 TV — ДАСТУРИ
4 ТЕРМИЗДА қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадаси

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ ВАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 10 май, жума №75 (1292)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ХОТИРА - МУҚАДДАС, ҚАДРЛАШ ЭСА БУРЧДИР



Бир неча йилки, Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига биноан мамлакатимизда 9 май Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланмоқда. Бу йил мазкур байрам Қарияларни қадрлаш йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ҳам, Қадр ҳам, аввало, кекса авлод ҳаётига эҳтиром билан боғлиқ тушунчалардир.

9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони одамлар билан янада гавжум бўлди. Эрта тонгданоқ бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, қалбида нуронийларга, ўтган авлодлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром жўш урган ёшлар йиғилди. Майдон узра сокин мусиқа садоси ёйилади.

Майдонга кириб келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маросимга йиғилганлар билан бирма-бир саломлашиб, ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз иккинчи жаҳон урушида, Ватан равнақи ва озодлиги йўлида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасишонланяпти, - деб гапида давом этди Президент. - Ҳарбий параду бошқа дабдабали маросимлар ўтказилмоқда. Бироқ эътиборингизни масаланинг бошқа томонига қаратмоқчиман. Бундай ҳарбий парадлар, ўз кучини намойиш этишлар, истайсизми-йўқми бари бир яна уруш нафасини эслатади. Шунинг учун имоним комилки, бир кун келиб ўша давлатларда ҳам Ўзбекистондаги каби эзгу маросимлар пайдо бўлади. Зеро, хотира абадийдир. Ўтганлар ёдини эсда сақлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром бажо этиш авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарзлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор. Инсон бор экан, хотира ва тарих мангудир.

Президентимиз раҳбари таъкидлаганидек, иккинчи жаҳон уруши кўпчилик мамлакатлар қатори юртимизга ҳам оғир кулфатлар келтирди. Ўша йилларда 1,5 миллион ўзбекистонлик қўлда қурол билан жанггоҳларга отланди. Шу ўринда Юртбошимиз бир рақамга эътиборни қаратди. Ўша йиллари Ўзбекистоннинг умумий аҳолиси 6,5 миллионни ташкил этган. Агар аҳолининг ярми эркаклар (улар орасида вояга етмаган ўғил болалар, кексалар бор) деб қарасак ҳам, бу адолатсизлик ва даҳшатнинг моҳиятини чуқур англашимиз мумкин. Бунинг устига, урушга кетганларнинг қарийб ярим миллиони она юрт тупроғидан узоқларда жон берган. 9 май - Хотира ва Қадрлаш кунида уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтириш билан бирга, шаҳидлар ортида қолган миллион-миллион кишиларга ҳам эҳтиром кўрсатилади. Шунингдек, халқимиз эрки - Истиқлол йўлида жон фидо қилганлар ҳам ҳар доим ёдимизда бўлади.

Хорижий давлатларда ватандошларимиз тақдирига дахлдор кўплаб ашё ва архив ҳужжатлари сақланмоқда. Бу ҳужжатларни юртимизга қайтариш борасида муайян ишлар амалга оширилянпти. Шу мақсадда махсус комиссия тузилган. Ислом Каримов мазкур масалага тўхталар экан, биз бу ҳужжатларни қайтариб олиш учун барча ишни қиламиз, деди.

Ислом Каримов шу ерда бир гуруҳ зиёлилар билан ҳам суҳбатда бўлди.

- Неча йилдан бери бошимизда қора кўланка солиб турган кучларнинг пайи қирқилди, - деди Президентимиз. - Аммо бир зум бўлсин биз бепарво бўлмаслигимиз керак. Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш биз учун доим долзарб масала бўлиб қолаверади. Бу йўлда биз доим миллий манфаатларимиз учун устувор бўлган сиёсатни юргизаверамиз.

Хотира майдони кун бўйи одамлар билан гавжум бўлди. Мотамсаро она ҳайкали пойи эса гулларга бурканди. Майдондан Ватан равнақи ва юрт озодлиги йўлида жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш умидида бўлган зиёратчиларнинг қадами кечгача узилмади.

- 1941 йилда урушга кетиб, - дейди зиёратчилардан бири Мадамин бобо Ҳасанов. - Россия, Беларус, Болтиқбўйи республикалари, Польша, Германия каби мамлакатларда жанг қилдим. Бугун ўша сўронли йилларда мен билан бир сафда бўлган, қирғинбарот жанглардан қайтмаган қуролдошларим, юртдошларимни хотирладим. Шундай озод ва эркин юртда яшаш бахтига муяссар бўлаётганим учун Яратганга шукроналар айтмоқдаман. Президентимизнинг бу йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилгани ва фахрийларга, умуман нуронийларга кўрсатаётган доимий эътибори кўнглимизни янада кўтаради.

Президентимиз таъкидлаганидек, Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлаш ўтганлар руҳини шод этиб, кексаларнинг ҳурматини жойига қўйиш билан бирга ёшлар қалбида ота-боболаримиз жасоратининг қадрига етиш, она Ватанга, халққа муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, шу юртга, шу халққа муносиб фарзанд бўлишдек эзгу туйғуларни сингдиришдан ҳам иборатдир.

Анвар БОБОЕВ,
Анвар КАРИМОВ,
ЎзА мухбирлари.

ГЕРХАРД ШРЁДЕРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Герхард Шрёдер 9 май куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Икки мамлакат давлат байроклари билан безатилган Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов кутиб олди.

Ушбу тарихий ташриф икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар жадал юксалиб бораётгани, эндиликда ўзаро ҳамкорликни ҳар жиҳатдан янги босқичга кўтариш, кўламини янада кенгайтириш зарурати туғилганидан далолатдир.

Президент Ислом Каримов бир йил муқаддам Германияга расмий ташриф билан борган эди. Ўша ташриф асносида кўплаб келишувларга эришилди, алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қиладиган ҳужжатлар имзоланди. Мамлакатимиз раҳбари ўшанда ГФР канцлерини Ўзбекистонга таклиф этганди. Германия канцлерининг бугунги ташрифи Ўзбекистон ва Германиянинг ўзаро алоқаларни кенгайтиришга интилиши бир хилда кучли эканини англатади.

Айни пайтда томонлар Г.Шрёдернинг ташрифи Ўзбекистон-Германия муносабатларидаги муҳим босқич бўлишига ишонч билдирмоқда. 10 май куни Дўрмон қароргоҳида ўтадиган музокаралар бу ишончни тасдиқлаши шубҳасиздир.

(ЎзА).

Ғурур

ЁШЛАР ЯЙРАБ ИШЛАСИН

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Самарқанд вилоят қўмитаси ёшлар ўртасида маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини янада жонлантириш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширяпти. Тармоқ қўмитаси 122448 нафар аъзога эга бўлган 1 шаҳар, 17 та туман, олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида 11 та ходимлар, 11 та талабалар қўмиталари, 964 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган.

Олий ўқув юртлари маъмурияти ва касаба уюшмалари қўмиталарининг ўзаро келишувларига биноан сармоядан ташқари қўшимча топилган маблағнинг бир қисми профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини намунали ташкил этиш, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга сарфланаяпти. Бундай олийжаноб мақсадлар учун Самарқанд Давлат чет тиллар институтида 13,4, Самарқанд Давлат Университети, қурилиш ва меъморчилик институтида 12,9 фоиз миқдорида маблағ ҳаражат қилинган.

Таълим муассасаларида ташкил этилган 20 та турли босқич ва йўналишдаги тўгараклар ва ҳаваскорлик жамоаларида 1000 дан ортиқ талаба ёшлар бевосита шуғулланмоқда. Бундан ташқари, олий ўқув юртларида жамоатчилик асосида 53 та тўгарак фаолият кўрсатиб, улар атрофига 1740 нафар йигит-қизлар жалб қилинган.

Ёшлар онгида миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, халқимизнинг бой маданий мероси, урф-одатлари, тарихий анъаналарини кенг тарғиб қилиш, маданий ҳордиқ чиқариш, бўш вақтни кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида кўрик-танловлар, давра суҳбатлари, байрам кечалари, турли дам олиш тадбирлари уюштирилаяпти.

«Сен ўз ҳуқуқингни биласанми?», «Ватан остонадан бошланади», «Миллий истиқлол ғоялари» каби долзарб мавзулардаги учрашувларда таълим муассасаларининг 25 минг нафар талабалари иштирок этдилар.

«Талабалар баҳори», «Оилавий ансамбллар» беллашувларида мавжуд 214 та ҳаваскорлик жамоасидан 3,9 минг йигит-қиз қатнашиб, маҳоратларини намойиш қилдилар. Бу соҳада Абу Райҳон Беруний номли Самарқанд касб-ҳунар педагогика коллежи, Каттақўрғон туманидан Н.Сиддиқовлар оилавий ансамбли биринчи ўринни эгаллади.

Олий, ўрта махсус, умумий таълим муассасалари ҳамда сиҳатгоҳларда «Маънавият ва маърифат» хоналари ишлаб турибди. Тармоқ тасарруфидаги жисмоний тарбия ва спорт клубларида меҳнаткашларнинг 28307 нафари шуғулланмоқда. 55 та спорт майдончаси, 13 та спорт зали, 1 та сузиш ҳавзаси ва бошқа иншоотлар ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. 80 нафар малакали тренерлар спортчилар билан машғулот олиб бораяпти. Республика тармоқлараро спартакиадасида 5,1 минг талаба ва 580 нафар ўқувчилар муваффақиятли қатнашдилар.

И.ИСОМИДДИНОВ.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Россия Федерацияси президенти Владимир Путин ҳамда АҚШ президенти Жорж Буш куни кеча телефон орқали гаплашдилар. Унда халқаро масалалар билан биргаликда террорчиликка қарши кураш хусусида ҳам қисқача фикр алмашилди. Май ойи охирида Ж.Бушнинг Россияга қиладиган ташрифи чоғида ўртага ташланадиган муаммолар ҳам тилга олинди.

АССАМБЛЕЯ МУҲОКАМАСИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси кун тартибига қўйилган масалалар ичида айни кунларда башариятни қизиқтираётган кўплаб долзарб масалалар бор. Хусусан, жаҳон миқёсида тинчликни таъминлаш, «оловли нуқталар»ни камайтириш, оммавий қирғин қуролларини йўқотиш кабилар шулар жумласидандир. Яна бир муҳим жиҳат шу бўлдики, Бош ассамблея ўз иши давомида халқаро терроризмга қарши кураш масаласини ҳам кенг таҳлил қилмоқда. БМТ аъзолари ассамблея мажлислари охирида мазкур муаммога таалуқли резолюцияни қабул қилишни мўлжалламоқдалар. Мазкур ассамблеяни чақиришда ташаббус кўрсатган араб давлатлари қабул қилинадиган ҳужжатларда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш, Исроил билан Фаластин ўртасидаги муносабатларни ижобий изга солиш каби йўналишлар алоҳида ўрин тутади, деб ишонмоқдалар.

ТАЪЗИМ

Москвага ташриф буюрган давлат арбоблари, меҳмонлар, МДҲга аъзо давлатлардан келган фуқаролар шу кунларда пойтахтнинг гавжум жойларидан бирига ўрнатилган Номаълум аскар қабри ва унинг ёнида ёниб турган Мангу аланга ёнига гулчамбарлар қўйишни давом эттирмоқдалар. Чунки, бу қабр ва аланга иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган турли миллат вакилларининг абадий номи тимсолига айланган. Шуни ҳам айтиш керакки, ушбу аланганинг ўрнатилганига шу кунларда 35 йил тўлди.

ТЕРРОРЧИ ХУРУЖИ

Исроилнинг Хайфа шаҳрида яна бир фожеа юз берди. Ички кийимлари орасига портловчи қурилмаларни боғлаб олган номаълум кимса биллиард ўйналадиган клубга кириб, ўзини портлатиб юборди. Натижада 15 нафар киши ҳалок бўлди, 60 киши қаттиқ жароҳатланди. Бу қабоҳатни Фаластинда фаолият юритаётган ХАМАС жанговар ташкилоти ўз бўйнига олди. Мазкур жиноят юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

ТУНИСДА АВИАҲАЛОКАТ

Кейинги кунларда дунёнинг турли бурчакларида самолётлар ҳамда вертолётлар ҳалокати анча кўпайди. Навбатдаги фожеа куни кеча Тунисда рўй берди. Фуқаролар тушган «Боинг-777» ҳаво кемаси қўниш олдидан осмонда портлаб кетди. Оқибатда унинг ичида бўлган 60 нафар кишидан 17 нафари ҳалок бўлди, баъзилар касалхоналарга ётқизилди, айримлар эса бедарак йўқолди. Бу ҳалокатга об-ҳавонинг ёмонлашганлиги сабаб бўлган.

МАЙ ОЙИ ОҒИР КЕЛДИ

Бу йилги май ойи Испаниянинг тарихида қоладиганга ўхшамоқда. Чунки, куни кеча мамлакатнинг шимолий-шарқий қисмида кучли қор ёғди, бўрон авжига чиқди, қаттиқ совуқ бошланди. Қорнинг қалинлиги 30 сантиметрдан ошди. Натижада дарёлар ўзанидан чиқди, транспорт ҳаракатлари бузилди, йўлларда ҳаракат тўхтатилди. Айрим ерларда эса қатор уйларни сув босди.

ВИТАСНИНГ АНТИҚА ВЕРТОЛЁТИ

Литвалик Витас Аджеайтисни «техника жинниси» деб аташади. У қирқ йиллик умрининг асосий қисмини техникага бағишлади. Витас турли хил ҳаракатланувчи машиналар яратишга қизиқади. Унинг энг сўнгги «ижоди» натижасида антиқа вертолёт вужудга келди. Унга муҳандис «Шимолий титан» деб ном берди. Ушбу вертолёт жаҳондаги бирон-бир вертолётга ўхшамайди. У жуда ихчам бўлиб, соатига 700 километр йўл босади. Ушбуни яратиш учун Витас 18 йил меҳнат қилди.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

Бор бўл, оқибат!

БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ...

ногиронлар, якка-ёлғиз кишилар меҳр оғушида

Яккабоғ туманида ногиронлар, якка-ёлғиз кишиларга меҳрибонлик кўрсатиш, уларни ижтимоий муҳофазалаш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Икки йилдирки туманда ногиронлар жамияти фаолият кўрсатмоқда. Жамият корхона, ташкилот ва хўжаликлардан ҳисобга олинган Афғон уруши ва Чернобил фожеаси иштирокчилари, тўшакда ётган бемор ва бошқа ногиронларга ғамхўрлик кўрсатмоқда. Шунингдек, туман ҳокимлиги «Соғлом авлод» жамғармаси, ижтимоий таъминот бўлими билан ҳамкорликда уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоялаш борасида ибратли ишлар олиб бормоқда.

— Жамиятнинг асосий вазифаси, - дейди туман ногиронлар жамияти раиси Қарши Таниқулов, — ногиронларга тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун имкониятлар яратиш, меҳнатга жалб этиш, ижтимоий-маиший масалаларни ҳал этишларида кўмаклашиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Жамиятимиз 2000-2005 йилларга мўлжалланган дастур асосида ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, соғлигини тиклаш ва иқтисодий ҳимоялашни амалга оширмоқда.

Жамият кўмаги билан 3 нафар ногирон республика «Шифонур» шифохонасида даволанди. 10 нафар ногирон Республика ва вилоят санаторийларига даволанишга юборилди.

Туман ҳокимиятининг саъй-ҳаракати ҳамда мутасадди ташкилотлар кўмагида 11 киши аравача билан таъминланди. Жўрақул Кенжаев, Суннатилла Ғойибназаров, Бекмурод Хушвақтов, Кўпайсин Ёдгорова, Юлдуз Кенжаевалар бу эътибордан ниҳоятда миннатдор.

Ўтган икки йил давомида 91 нафар кам таъминланган ногиронга моддий ёрдам кўрсатилди. Туман ҳудудида жойлашган «Саховат уйи» озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминланмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тумандаги 35 та ташкилот, корхона ва хўжалик ногиронлар жамиятига ҳомийлик қилмоқда. Дон маҳсулотлари корхонаси, «Оқ олтин» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти, экспедиция-қидирув ташкилоти, тўқимачилик фабрикаси, Жуман Михлиев, Бойқул Худоёров, А.Темур номли хўжаликлар шулар жумласидандир.

Аммо ногиронларга эътибор ҳамма ерда ҳам бирдек эмас. Тумандаги «Соҳибқирон», «Ўзбекистон», «Шарқ Юлдузи» хўжаликлари, қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш, туман пиллачилик идораси, Ўрмон хўжалиги, нефт маҳсулотлари идораси, туман алоқа бўлимида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш кўнгилдагидек эмас.

Ҳа, меҳр-оқибат халқимиз зийнати. Бу савобли ишга барчамиз бирдек ёндошсак нур устига аъло нур бўларди.

Хайрулла ТЎРАЕВ.

ОҚСОҚОЛЛАР ЕНГ ШИМАРИШДИ

Ислоҳот инсон учун

Вилоят ҳокимининг «Вилоятдаги шаҳар ва қишлоқларда кўча оқсоқоллари тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга кўра очиқ овоз бериш йўли билан 1963 нафар кўча ва қишлоқ оқсоқоллари сайланди.

— Ҳозирги шароитда маҳалланинг ўрни беқиёс, - дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят кенгаши раиси Муқим Ҳасанов. - Янгилик шарофати туфайли бу борадаги ишларни янада яхшилаш, инсон омилига эътиборни кучайтириш, жойларда тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлашга эришилмоқда. Эътиборлиси шуки, кўча оқсоқоллигига баобрў, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган табаррук кишилар сайланди. Улар кўпинча одамлар орасида бўлиб, омманинг орзу-интилиши, қувончу ташвишлари, ечимини кутаётган муаммолардан бохабар бўладилар. Долзарб масалаларни жойида ҳал этиш юзасидан тадбирлар белгилашади, мутасадди идора ва ташкилотларга таклифлар киритишади.

Дастлаб ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, тўй ва маъракаларни иложи борича ихчам, барчага манзур тарзда ўтказишга алоҳида эътибор берилди. Кўча оқсоқоллари айниқса Янгиобод, Зарбдор, Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш, Мирзачўл туманларида катта ташкилотчилик ҳамда тарғиботташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Ўзаро мулоқотлар чоғида аҳоли табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, автобус қатнови, шунингдек, савдо ва тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларидаги камчиликларга эътиборни қаратдилар. Вилоят ва туманларнинг раҳбарлари буни ҳисобга олиб, аниқ тадбирлар белгилашлари натижасида аксарият жойларда автобус қатнови яхши йўлга қўйилди, табиий газ босими кўтарилиб, электр энергиясининг узилишлари барҳам топди.

Кўча оқсоқоллари тинчлик-осойишталикни таъминлаш, ёшлар ўртасида уларни қизиқтирган масалалар юзасидан жонли суҳбатлар ўтказишни фаолиятларининг асоси деб билишмоқда. Шу мақсадда кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Ғолиблар муносиб равишда рағбатлантирилмоқда. Яхши ишлардан яна бири Жиззах шаҳрида туманлар ва хўжаликлар марказида кўплаб маҳалла гузарлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Айни кунларда табаррук кишилар хўжаликларнинг раҳбарлари, касаба уюшма фаоллари билан ҳамжиҳат ҳаракат қилиб, Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан белгиланган тадбирларни изчил амалга оширишмоқда. Касаллар, якка-ёлғизлар ҳолидан хабар олиняпти. Уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил этилиб, улар юксак даражада эъзозланмоқда.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири.

ҲАММА ШУНДАЙ ЯШАСА

Баъзида ўйлаб қоламан, нима сабабдан айрим ажойиб фазилатли инсонлар жуда оз яшашади. Шу саволни ўзимга берарканман, кўпинча моҳир ташкилотчи, касаба уюшма ходимларининг устози Тамара Мурсалиева қиёфаси кўз ўнгимда гавдаланади. У қисқа умр кечирган бўлса-да, ҳаётда нурли из қолдирди. Опа аввало ўзининг одамийлиги, оддий кишиларга меҳрибонлиги билан, адолат учун ростмана кураша оладиган инсон сифатида танилган эди.

Яхши эслайман, энг йирик тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаларидан бирида касабақўм раиси сифатида фаолият юритардим. Ўша кезлар Тамара Мурсалиева республика тўқимачилик ҳамда енгил саноат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасига етакчилик қиларди. У иложи борича кўпроқ ишлаб ниқаришда бўлиб, оддий одамлар билан дилдан суҳбатлашар, қандай яшаётганликлари, ишлаётганликлари, яратилган шароитлар билан атрофлича танишарди. Бирор камчилик сезса, мутасадди раҳбарлар билан талашиб-тортишиб, муаммони жойида ҳал этарди. Бир сўз билан айтганда, ажойиб инсон меҳнаткашларнинг ҳақиқий меҳрибони эди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини имтиёзли диплом билан тугаллаган, кучли билим, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган Т.Мурсалиевани институтда қолиб ишлашга таклиф қилишган. Бироқ, у ўз ҳаётини тўқимачилик комбинатлари, моддий неъмат яратувчи инсонлар билан боғлади. Йиллар мобайнида омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб, хайрли ишларнинг рўёбга чиқишига муносиб ҳисса қўшди. Эндиликда Тамара опа улгурмаган ишларни биз — унинг шогирдлари амалга оширяпмиз. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган тадбирларимиздан бирида 80 ёшли нуроний сўз олиб, унинг учун оғир дамларда Т.Мурсалиева яқиндан ёрдам ва мадад кўрсатганлигини, устозимизнинг фидойилигини ҳаётий мисоллар орқали ҳикоя қилиб берди. Ҳа, эзгулик, меҳнаткашлар бахт-саодати йўлида қилинган ишлар соҳиби табаррук инсонлар ҳеч қачон унутилмайди.

Маъмура ОДИЛОВА, республика енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси.

УЙИМИЗ КЎРКИ

Республика ўқувчилар техник ижодиёт марказида "Кексалар уйимиз файзу-чироғи" мавзуида кеча ўтказилди.

- Ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида, миллий истиқлол ғояларига содиқ, маънавияти юксак инсонлар қилиб тарбиялаш, шунингдек ўтганларни хотирлаш, улар чироғини доимо ёқиб туришдек миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни ёшлар онгига сингдириш мақсадида марказимизда турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда, - деди Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази директори муовини Феруза Расулова "Туркистон-пресс"мухбирига. –Жумладан, Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган адабий кечада 150 нафардан ортиқ ўқувчилар иштирок этдилар. Кеча меҳмони иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Асом ота Бўронов ёшларга ўз хотираларини гапириб берди. Шунингдек, Қорасарой маҳалласининг фахрийларидан бўлмиш, "Ибратли қайнона" кўрик танлови ғолибаси Муҳаббат ая Қурбонова билан бўлган қизиқарли суҳбат ва савол-жавоблар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Ф. Расулованинг таъкидлашича, марказда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган тадбирлардан яна бири "Истиқлол чечаклари" кўрик танловидир. Ўқувчи-ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, Президент асарлари, улуғ алломаларимиз ҳаёти ва ижоди билан янада чуқурроқ таништириш, шунингдек, иқтидорли болаларни излаб топиш ва касбга йўналтириш мақсадида Республика халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда республика миқёсидаги "Истиқлол чечаклари" кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Кўрик-танловга республикадаги барча техник ижодиёт марказларида фаолият кўрсатаётган тўгараклардаги ўқувчилар жалб этилган бўлиб, тўрт босқичда ўтказилади.

Шу кунларда эса кўрик-танловнинг 3-босқичи давом этмоқда.

"Туркистон-пресс"

ШУКУХ

Юнусобод туманида 9 май - Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.

- Бугунги тадбирга туманда истиқомат қилаётган беш юз нафарга яқин уруш қатнашчилари таклиф этилган, - деди "Нуроний" жамғармасининг фахрий аъзоси Шоҳидой Абдуллаев "Туркистон-пресс" мухбирига. – Халқимизда "Олтин олма, дуо ол", деган нақл бор. Қарияларни қанча қадрласак, қанча эъзозласак ҳам оз. Ёзилган байрам дастурхонимиз нуронийларимизнинг кўнгилларига озгина бўлса-да, қувонч бағишласа, ўзимизни бахтли сезар эдик.

Касаба уюшма тадбири

ЎТГАНЛАР ЁДИ

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош Бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш Бошқармаси жамоаси ҳамда Бирлашган касаба уюшма қўмитаси «Ўтганлар ёди қалбимизда мангу яшайди» деб номланган тадбир ўтказди. Унда хизмат вазифасини ўташ вақтида ҳалок бўлган милиция ходимларининг оила аъзолари, тизимда кўп йиллар меҳнат қилган фахрийлар, ҳозирда соҳада фаолият кўрсатаётган Ватан посбонлари, уруш фахрийлари таклиф этилдилар.

— Ватанимиз озодлиги, халқимиз бахт-саодати йўлида ўз жонини фидо қилган мард ўғлонлар қалбимизда мангу яшайди, -деди Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош Бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш Бошқармаси Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Аъзамжон Ҳакимов. —маъмурият ва бирлашган касаба уюшма қўмитасининг бу каби ташаббусларини шаҳар ИИББ раҳбарияти қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимларимизнинг оила аъзолари, фарзандлари доимо эътиборимизда. Улар хотирасини ёдга олиш фарздир.

Хизмат вақтида ҳалок бўлган милиция ходимларининг оила аъзолари, фарзандларига, шунингдек, тизимда меҳнат қилган фахрийларга моддий ёрдам кўрсатилиб. совға-саломлар топширилди.

И. ҲАСАНОВ олган суратлар.

Ибрат

«ПАХТАЛИ КЎЛ»

сиҳатгоҳида ёрдамчи хўжаликдан унумли фойдаланиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари сотиб олинди, шарт-шароит яхшиланди

Тиббиёт маскани дарвозасидан ичкарига киришингиз биланоқ ям-яшил арчазорга кўзингиз тушади. Арча энг соф ҳаво — азон ишлаб чиқариши билан афзал. Айниқса, сил касаллигига чалинганлар учун бундай табиий шароит ғоятда зарур. Соғликни саклаш вазирлигига карашли Намангандаги «Пахтали кўл» сиҳатгоҳи айнан юкоридаги хасталикларни даволаш мақсадида барпо этилган.

Эндиликда бу ерда сил касалликларини даволашдан ташқари урогенекология, суяк-бўғин, кўз хасталиклари, физиотерапия ва бошқа бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда эса, тўрт марта иссиқ овқат тортиладиган ресторан типидаги ошхона, 400 ўринли ёзги ва қишки клуб, 20000 дан зиёд турли адабиётлар фондига эга кутубхона ҳамиша одамлар билан гавжум.

— Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш деганда баъзилар асосан моддий ёрдам ва рағбатлантиришни тушунишади, — дейди сиҳатгоҳ бош ҳакими Ҳошимжон Ҳамдамов. — Ваҳоланки, унинг қирралари кўп. Масалан, айтайлик, биз даволанувчию тиббиёт ходимларимизнинг яшаш ва ишлаш шароитларини уларнинг эстетик дидига мос ҳолга келтиришга алоҳида аҳамият бердик. Шу мақсадда ўтган йили ошхона иситиш тизими, канализация тармоғи тўла янгиланди. Деворлардаги безаклар хўрандалар кайфиятини кўтаришда муҳим рол ўйнаши назарда тутилди. Турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган залдаги ўриндиқлар очиқ рангларга бўялди. Бир неча бўлим қайта таъмирланиб, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди. Беморлар талаб-эҳтиёжидан келиб чиқилиб, гулхона ташкил этилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида қўшимча имкониятлар қидириб топишга ҳаракат қилинмаса муаммоларни вақтида ҳал этиш қийин. Йил сайин фаолият мезонини кенгайтириб бораётган ёрдамчи хўжалигимиз жамоамиз аъзолари ижтимоий муҳофазасида муҳим ўрин тутмоқда...

Қаловини топсанг қор ёнади, деганларидек, ажратилган майдонга қишлоқ хўжалик экинлари экилгач, унинг деворлари эски бинолар бузилишидан чиққан ғиштлар ҳисобидан барпо этилди. Унда анжирдан тортиб хурмогача — анвойи мевали дарахтлар ўстирилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида ёрдамчи хўжаликдан 5 миллион 708 минг сўм даромад олинди.

— Қўшимча даромад топишнинг жамоа аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда ўзига хос ўрни бор, — суҳбатга қўшилади сиҳатгоҳ касаба уюшма қўмитаси раиси О.Холиқулов. — Масалан, ўзимизда етиштирилган маҳсулотлар дастурхонга тортилиши билан бирга, ишчи-хизматчи ва ходимларимизга арзон нархда сотилади. Ёрдамчи хўжаликдан олинган даромаднинг маълум қисми эса, иш ва дам олиш шароитлари ёки маиший хизмат кўрсатиш нуқталари фаолиятининг яхшиланишига сарфланмоқда. Жумладан, зарарли меҳнат жойларида банд бўлган ишловчилар махсус кийим-бош, сут-қатиқ билан таъминланган. Клубимизда тиббиёт бурчаги ташкил қилиниб, яхшигина маблағ сарфлаб турли адабиётлар харид қилинди. Ўтган йилнинг ўзида касаба уюшмаси ҳисобидан моддий ёрдам ва рағбатлантириш, маданий тадбирлар ва ходимлар фарзандларини соғломлаштириш учун маблағ ажратилди.

Маъмурият билан касабақўм ҳамкорлиги самараси ўлароқ техника хавфсизлигини таъминлаш йўлида ҳам ижобий ўзгаришларга эришилаётир. Хусусан, маскан ҳудудидаги барча бинолар ёнғинга қарши асбоб-ускуналар билан таъминланган. Қозонхона тўла таъмирдан чиқарилди. Уч нафар киши Тошкентда техника хавфсизлиги бўйича малакасини ошириб қайтди. Тиббий аппаратлар метрология ходимлари томонидан текширилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Яқинда ташкил қилинган техника хавфсизлиги хонасида тегишли қўлланмалар, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга доир тавсиялар ўрин олди.

Йил давомида 464 нафар киши мукофот пулига лойиқ кўрилди. Улар орасида шу ерда ишлаб, нафақага чиққанлар, кам таъминланган ишловчилар ҳам бор. Жамоа шартномасида белгиланганидек, 40 нафар ходим мазкур сиҳатгоҳда даволаниб меҳнат қобилиятини тиклаб олди. Узоқ жойдан қатнаб ишлайдиганлар учун махсус автобус бепул хизмат кўрсатаётир.

Маъмурият билан касаба уюшмасининг яна бир ибратли тадбири ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. У ҳам бўлса тежамкорликка қатъий амал қилинаётганидир. Масалан, айтайлик, заводда тайёрланган физио эритма идишсиз 640 сўмдан харид қилинарди. У сиҳатгоҳнинг ўзидаги мутахассислар томонидан ишлаб чиқарила бошлангач, қиймати 15 сўмданга тўғри келди. Ёки рентгенографияда кўрикдан ўтказиш учун ҳар бир беморга 1700 сўм сарфланган бўлса, рентгеноскопия усулида текширишга ўтилгач 1455 сўмлик маблағ тежаб қолинаётир. Бундай самарали усул бошқа йўналишларда ҳам муваффақиятли қўлланилмоқда. Натижа эса қўзда тутилганидан ҳам юқори бўлди. Яъни, ўтган йили режа бўйича 3300 нафар фуқаро даволаниши керак эди. Амалда эса бу кўрсаткич 4375 нафар кишини ташкил этди.

«Пахтали кўл»нинг юқоридагидай ибратли ишларидан намуна олса арзийди.

Абдунаби МАННОПОВ, «Ишонч» мухбири.

TV дастури

13-19 май

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 13

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошабинлар диққатига!

Профилактика муносабати билан душанба, 13 май куни «Ўзбекистон-1» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси Ю. Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.

«Болалар сайёраси»:

15.25 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
16.20 «Ошин». Телесериал.
16.50 «Талабалик йилларим».
17.10 «Қалб гавҳари».
17.30 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
18.00 Янгиликлар
18.10 «Тарих кўзгуси». Термиз. 5-қисм.
18.30 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелоторея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артисти М. Раззоқова.
21.35 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
22.05 «Миллионлар ўйини». Спорт дастури.
22.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
23.25 «Ахборот - дайжест».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси. Болалар учун концерт.
10.20 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.35 Якшанбада кўришгунча.
10.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
12.20 Саломатлик сирлари.
12.40 Давр-news.
13.00 Тўфон Минуллин. «Алла». Ўзбек давлат миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
14.00 Спорт ҳафтаномаси.
14.15 «Алла». Ўзбек давлат миллий академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
14.55 Кўҳна оҳанглар.
15.05 «Қойилмақом жиноят». Бадиий фильм.
16.35 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Бильярд.
17.15 «Бугуннинг ёшлари».
17.30 ТВ-анонс.
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» почтаси, «Билағон маслаҳати».
18.10 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
18.25 Ёшлар овози.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Илдиз ва япроқ.
20.10 Бир ўлкаки.
20.30 Ёшлик наволари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани. «Дюймачахон».
18.00 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.25, 20.00, 21.30, «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Индаба». 21-22 сериялар.
19.35, 20.30, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Камалак».
20.45 «Мусиқий меҳмонхона».
21.10 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
22.10 «Пойтахт шарҳи».
22.35 Кинонигоҳ. «Орзу».
00.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00

*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Шов-шув». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.25 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
18.00 «Мени кутгил».
19.00 «Рус рулеткаси».
20.00 «Время».
*
20.35 «Тристан ва Изольда». Сериал.
21.20 «ТВ-4да Немис тўлқини».
21.40 Кинематограф. «Ўғри қиз». Бадиий фильм.
23.10 «Ахборот» (рус тилида)
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 14

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Қадимги шўҳликлар». Бадиий фильм.
11.15 «Рангин дунё».
11.35 Оғир атлетика бўйича Осиё биринчилиги.
11.55, 13.20, 13.55 ТВ анонс.
12.05 «Париси бор уй».
12.35 «Интерклуб».
13.25 Ўзбекистон халқ артисти М. Раззоқова.
14.10 «Қишлоқ ҳаёти».
14.30 Кундузги сеанс: «Ёз ҳикоялари». Бадиий фильм.
15.50 «Ёшлар ва мусиқа».
16.15 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
16.45 ТВ клип.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Кузянинг қайтиши». Мультфильм.
18.20 «Баркамол авлод орзуси».
18.40 «Инсон ва қонун».
19.00 Бир жуфт кўшиқ.
19.10 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».
21.20 «Кўшиғимиз Сизга армуғон».
21.50 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.20 «Мувозанат».
22.55 «Ахборот - дайжест».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Билағон маслаҳати».
9.40 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.55 Бизнес-академия.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.
10.50 ТВ-саёҳат.
11.10 Ёшлар овози.
11.30 Болалар экрани: «Чипполино».
12.50 Саломат бўлинг.
13.10 Интерфутбол.
14.45 Кўҳна оҳанглар.
14.55 Илдиз ва япроқ.
15.15 «Шавкатли рицар Айвенго ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси. «Дунё ва болалар», «У ким? Бу нима?»
17.15 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.30 ТВ-анонс.
17.40 Таянч.
18.05 Ватан манзаралари.
18.25 Автопатруль.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 Тв-анонс.
19.40 Давр-интервью.
19.55 Кўҳна оҳанглар.
20.00 Сифат белгиси.
20.10 Марди майдон.
20.30 Муҳаббат қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Нокаут».
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45 «Йўлбошчи». Бадиий фильм.
1.05 - 1.10 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Мультфильм.
18.10 «Шаҳримиз дурдоналари».
18.25, 20.00, 21.30, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Индаба». 23-24 сериялар.
19.35, 21.15, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Эҳтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.50 «Нима учун?»
23.00 Кинонигоҳ. «Катта».
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00

*
